

Абдулла ЖАЛИЛ

ҲАЁ ГАВҲАРИ

(Шеърлар)

"Намаёнган"
нашриёти

Мухтарам Президентимиз бутун бир йилни аёллар
йили деб эълон қилганликлари муносабати
билан ушбу китобимни барча опа-сингил-
ларимизга зўр ҳурмат ва эҳтиром
билан бағишлайман.

“Туркистон - умумий уйимиз” халқаро
танлови махсус мукофоти соҳиби, истеъдодли
шоир, публицист Абдулла Жалилнинг номи
халқимизга яхши маълум. Унинг “Қуёшга мактуб”
(1990), “Уйғоқ руҳлар” (1992), “Бўхтон ва
ҳақиқат” (1993), “Ўтаётган кун” (1994),
“Тўққизинчи салб юриш” (1995), “Ватаним онам”
(1996), “Шамшод япроқлари” (1997) номли
китоблари нашр этилган. Ушбу тўпламга аввалги
китобларида эълон қилинмаган янги шеърлари
жамланган. Уларда куюнчак бир инсон қалбидаги
ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари
балқиб туради. Абдулла Жалил ҳозир
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган
вилояти бўлимининг маъсул котиби бўлиб хизмат
қилмоқда.

91-296,75-266.850

НП

1999 й.

92-03-(09)-99

25619
10 2
3000
A 1912
www.ziyouz.com kutubxonasi

Давлатим



*Кўзларимнинг
қорачиғи ўзингсан,
Танамдаги куч,
‘мадорим Давлатим...*

ДАВЛАТИМ

ҚАСИДА

Жонажоним, меҳрибоним Давлатим,
Бошимдаги соябоним Давлатим.
Бир юз ўттиз йил кўтилган орзиқиб,
Рўёб бўлган зўр армоним Давлатим.

Қадим туркий эллар, Билга ҳокондан,
Донишманд Қултегин, Элтаришхондан,
Она ер бешиги кўҳна Тўрондан,
Менга қолган бир ёдгорим Давлатим.

• Ўрхун Энасойнинг ёзувларида,
Кўҳна Афросиёб қазувларида
Топилган нақшлар чизувларида,
Пинхон турган сир-асрорим Давлатим.

Ўн олти бор буюк давлат кўрибсан,
Бир юз эллик бора ҳукм сурибсан.
Тарихингда беш минг йилни кўрибсан,
Тахтим, бахтим, пойидорим Давлатим.

Тождорлари ҳокон, султон, амир, хон,
Бири Амир Темур соҳиби кIRON.
Бари қучмиш бу дунёда шўҳрат, шон,
Тождлар ичра энг номдорим Давлатим.

Сен ҳамиша навқиронсан, ёшдирсан.
Аммо буюк, улуг элга бошдирсан.

Азиз юртга паноҳ, кўзу қошдирсан,
Тўрт фасли гул, навбаҳорим Давлатим.

Ишонганим, суянчигим ўзингсан,
Юрагимнинг ўти, чўғи ўзингсан.
Кўзларимнинг қорачиги ўзингсан,
Танамдаги куч, мадорим Давлатим.

Бошимизга қўнган ҳумо қушдирсан,
Ўзинг бизга қудрат, ақл, қушдирсан.
Душманларнинг бошларига муштдирсан,
Ҳар бир ишда чин қарорим Давлатим.

Давлат десам, дилда меҳрим жўш урар,
Илҳом парилари келиб тўш урар.
Вужудимда гурур, фаҳрим жўш урар,
Фикрим, зикрим, эътиборим Давлатим.

Бўй таратиб раҳм, шафқат гулидан,
Юриб боқий маърифатнинг йўлидан,
Маҳкам тутгин адолатнинг қўлидан,
Сендан менинг ўтинч, зорим Давлатим.

Зўрлик, зулм илдишларин қуритгин,
Золимларнинг пешонасин шўр этгин.
Босқинчининг кўзларини кўр этгин,
Адолатли нажоткорим Давлатим.

Оилага бахту иқбол тилаган,
Ҳар инсонга ривож, камол тилаган,
Бева-бечоралар бошин силаган,
Фўқарога мададкорим Давлатим.

Байрогингда уч ранг бордир муқаддас,
Ҳаво ранги бағринг кенглигига мос.
Оқ ранг поклик, яшил Исломга пайваст,
Имонимсан, нөмус, орим Давлатим.

Боболарнинг руҳини шод айлаган,
Буюкларнинг номларин ёд айлаган.
Кўнгиллар мулкини обод айлаган,
Эзгуликка меҳри борим Давлатим.

Кўшин кучли бўлсин, аскар қувватли,
Зобитлари Гўрўглидек келбатли.
Сардорлари Бобур каби шавкатли,
Балолардан халоскорим Давлатим.

Замин борки, сен абадий турарсан,
Авлодларнинг бахт-иқболин кўрарсан.
Мангу гуллаб, яшнаб, қулф урарсан,
Мангуликка дахлдорим Давлатим.

Юртбошим бор, танти, ўктам, донишманд,
Доимо эл ташвиш, ғами билан банд.
Нияти пок, назари тоғдек баланд,
Юртбошидан бахти борим Давлатим.

Умрим борки мадҳинг кўйлаб ўтарман,
Ривожингни тилаб, ўйлаб ўтарман.
Зафарларинг элга сўйлаб ўтарман,
Қўлда созим, янғроқ торим Давлатим.

Эркин, озод, Ўзбекистон Давлати -
Қадим, буюк Турон замин савлати.

Шон-шўхратга энг бойу бадавлати,
Давлатимсан, давлатимсан, Давлатим.

Улуғ номинг ардоқлайди Жалилий,
Бу қасидам муҳаббатнинг далили.
Дунёвий зўр давлат бўларсан ҳали,
Сенга тўхфа бу ашъорим Давлатим.

1998.



ЮРТБОШИМ

Ўзбегимнинг бахтига
худо берган юртбошим,
Ўзбекистон тахтига
хушо бўлган юртбошим.
Тиклаб Темур давлатин,
мустақиллик шавкатин,
Истиқлолга куч, қувват,
зиё бўлган юртбошим.
Сўзлари худди ҳадис,
ўқтам, самимий, холис,
Она тилим ҳуснига
жило бўлган юртбошим.
Тузиб миллий армия,
бериб ҳарбий тарбия,
Кўҳна Турон заминга
пано бўлган юртбошим.
Мард, жасур, танти, ўқтам,
ҳимматда худди Хотам.
Жалил дер, элга меҳри
ғиё бўлган юртбошим.

1998.

ЎЗБЕК ТИЛИ

МУВАШШАХ

1

Ўзбеклар ўзлигин таниди бугун,
Жаҳонга юз тутди ҳур Ўзбекистон.
Эркин ва озодмиз, бахтимиз бутун,
Мустақиллигимизни тан олди жаҳон.

2

Замон бизга боқди, кулди бахтимиз,
Истиқлол байроги ҳилпирар қўлда.
Тинчлик шаҳри бўлди пойи тахтимиз,
Адолат бор бизлар танлаган йўлда.

3

Буюк бир давлатни бунёд этамиз,
Соҳибқирон Темур дастури асос.
Илм чўққиларин тез забт этамиз,
Беруний, Фаробий боболарга хос.

4

Елиб югурамиз, билмаймиз тиним,
Ғайрат камарини боғлаймиз белга.
Ўқиб бизлар бир кун бўлурмиз олим,
Чин юракдан хизмат қилурмиз элга.

5

Келажакни ақл, олий бир идрок-
Билан яратувчи бизнинг ўзимиз.
Мақсадимиз улуг, ниятимиз пок,
Қуёшдек иссиқдир юзу кўзимиз.

6

Тил халқни халқ, миллатни миллат қилур,
Тил - бу халқнинг юзи, кўзи, қиёфаси.
Она тилин кадрили чин инсон билур,
Она тили - Она ернинг хуш нафаси.

7

Имжон борки она тилни асраш керак,
Она тилим - ифтихорим, шоним менинг.
Ўз тилингни ширин жондек севгин юрак,
Ўзбек тили-ўзбек деган номим менинг.

8

Лутф айламиш Аллоҳ бизга бир тил бериб,
Сўзлашмоқлик буюк қудрат инсон учун.
Сўз сўзласанг, сўзла гўзал сўзлар териб,
Сарф этмагин беҳудага сўзнинг кучин.

9

Инсон борки ўз тилини улуғлайди,
Она тилда улуғланар суюк Ватан.
Ўзбек тили ўзбекларга энг улуғ тил,
Ўзбекистон бизларга энг буюк Ватан.

13-15 октябрь, 1998.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАЛАБАЛАРИ ШЕЪРЛАРИ

1 ТАҚДИМОТ

Бугун тарихий кундир, шодлик сигмас юракка,
Академик лицейнинг бўлар тақдимномаси.
Заррин олтин ҳарф билан ёзилар зар вараққа
Наманган вилоятин зўр бир мактубномаси.

Азизлар,хуш келибсиз,бу муқаддас даргоҳга,
Биз бу бахтга эришдик мустақиллик туфайли.
Хуш келибсиз, дур тўла илм қайнар булоққа,
Истиқлол шарофати, шудир замона зайли.

Озод Ватан бағрида бизлар иқболга ёрмиз,
Пухта билим олмоққа қилмоқдамиз ҳаракат.
Лицей учун биз ёшлар давлатдан миннатдормиз,
Фармон чиқарган буюк юртбошимга минг раҳмат!

2 АССАЛОМ, ЛИЦЕЙ !

Ассалом, кадрдон академ лицей,
Ассалом жонажон билим даргоҳи!
Сени биз юракдан севиб қолдигей,
Остонангга қадам қўйган заҳоти.

Ўзлуксиз ўқиймиз чарчамай, толмай,
Ўзлаштириб барча дастурларингни.

Бир кун, бир соат ҳам дарслардан қолмай,
Забт этиб илму фан чўққиларингни.

Буюк боболарнинг гурӯри дилда,
Ишончла борамиз келажақ сари.
Озодлик, адолат дастури дилда,
Бизни қўлламоқда олам сарвари.

Мустақил мамлакат болаларимиз,
Биз бир шахс бўламиз, энг комил инсон.
Биздан шунки кутиб турар онамиз,
Келажаги буюк ҳур Ўзбекистон !

3

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Лицей, коллежларнинг ташаббускори,
Ёшларнинг ғамхўри, улуғ бир инсон.
Донишманд юртбошим, халқим сардори.
Ислом Каримовга бўлсин шараф-шон !

Бизлар ўқиб жаҳон андозасида,
Илм уммонида дурлар терамиз.
Президентга лицей остонасида,
Аъло ўқиймиз деб ваъда берамиз !

1998, сентябрь.

ЭРКА ВИЛОЯТ

Мустақил юртимнинг кўрки вилоят,
Истиқлол таянчи, эрки вилоят,
Бош узро ёғилсин нури ҳидоят,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Шу ерда тугилмиш Мирзо Бобур ҳам,
Қаранг, хиёбонда ўлтирур ўктам,
Шоҳи Машраб руҳи кезмокда хуррам,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Жаннатмакон боғлар очмокда чирой,
Мармар дарвозага ҳавас қилар ой,
Ҳуснин кўз-кўз этар муҳташам сарой,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Қамчиқ довлонлари баланд, пурвиқор,
Қарвонлар келмокда қатор ва қатор,
Тоғ ости йўллари сирли, улугвор,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

Наманганнинг гўзал "Паҳлавон"и бор,
Бозорлар бозори ўз "Жаҳон"и бор,
Дунёга таралган шўҳрат-шони бор,
Наманган - бу Наманган, эрка вилоят.

1998.

ДАРВОЗА

Сўлим, жаннатмакон Бобур богида
Қад ростлади гўзал рамзий дарвоза.
Унинг лойиҳасин чизмоқ чоғида
Меъморлар олмишлар Румдан андоза.

Исфахон даҳасин устида туриб,
Мармар дарвозага ҳавас қилар ой.
Ранго-ранг чироклар шуъласин кўриб,
Шаҳрим қучоғига ёғдирар чирой.


Дарвозага туташ қадимий йўллар,
Буюк ипак йўли шу ердан ўтган.
Кўҳна Сардобада қарвонлар тўхтаб,
Чанқоғин қондириб Аҳсига кетган.

Бахт, иқбол, келажак дарвозадир бу,
Ундан кириб келар омад қарвони.
Давлат ёғилажак дарвозадир бу,
Ундан ўтганларнинг йўқдир армони.

У асло ёпилмас, меҳмонга мушток,
Одамларга меҳри сочиқ дарвоза.
Наманганликларнинг қалби мисол оқ,
Меҳмонга ҳамиша очиқ дарвоза.

1998.

ИСТИҚЛОЛ ОНИНГ КЕЛДИ



*Истиқлол онинг келди,
қаддингни кўтар халқим,
Озод замонинг келди,
қаддингни кўтар халқим.*

ҚАДДИНГНИ КЎТАР ХАЛҚИМ

Истиқлол онинг келди,
қаддингни кўтар халқим,
Озод замонинг келди,
қаддингни кўтар халқим.
Кишанларни энди еч,
хушёр тургин эрта-кеч,
Игвога учмагин ҳеч,
қаддингни кўтар халқим.
Қуриб мустақил давлат,
эркин яша бадавлат,
Олам узра донг тарат,
қаддингни кўтар халқим.
Титроқ билак билакмас,
қўрқоқ юрак юракмас,
Тутқун халқ бу халқ эмас,
қаддингни кўтар халқим.
Дардларингни олайн,
ғамингни кўтарайин,
Сен учун жон берайин,
қаддингни кўтар халқим.
Бошимни шаънинг учун
кундага қўйдим бутун,
Жалил, эгилма бу кун,
қаддингни кўтар халқим.

1991.

БЕДОРЛИГИМ

Гафлат ичра қолмадим ҳеч,
бедорлигим боиси бу,
Курашлардан толмадим ҳеч,
бедорлигим боиси бу.
Чўчимадим машаққатдан,
душмандан, зиён-заҳматдан,
Баҳра олдим ҳақиқатдан,
бедорлигим боиси бу.
Бугундан ҳеч қолмас ишим,
эрталиқ янги ташвишим,
Лоқайдликка йўқдир ҳушим,
бедорлигим боиси бу.
Келдим фароғатдан кечиб,
уйку-ҳаловатдан кечиб,
Мақсад деб роҳатдан кениб,
бедорлигим боиси бу.
Вақтдан ютиш орзусида,
ишни босдим уйқусида,
Шодман, умр кўзгусида,
бедорлигим боиси бу.
Юрдим илгари бир қадар,
чикди ишларимдан самар,
Бўлди гувоҳ бунга қамар,
бедорлигим боиси бу.
Эй Жалилмий бедордирман,
бедорманки ҳушёрдирман,
Шундан иқболга ёрдирман,
бедорлигим боиси бу.

1998.

КЕЛИБСИЗ

Хун олгани яна,
хунхор келибсиз,
Дил қониға ташна,
хумор келибсиз.
Вайрон этибон ишқ,
қасрин эй санам,
Бизларни этгали
тор-мор келибсиз.
Қаҳру қазабингиз
қаттиғу дилдор,
Ажабки яна.
мафтункор келибсиз.
Ўзингизни асраб
ёмон кўзлардан,
Ичингиздан тақиб
тумор, келибсиз.
Майли Жалилийга
зулм қилсангиз,
Агарчи, қошига
такрор келибсиз.

1995.

ДИЛОРОМ АЙЛАБ

Сизни санам яратибдур
дилором айлаб,
Бизни эса яратибдур
сизга ром айлаб.

Сизни шундай яратганинг
ўзига шўқо
Аммо бизни яратибдур
беором айлаб.
Ором йўқдур дилдор,
сизни кўргандан буён,
Шомларимизни тонг айлаб,
тонгни шом айлаб.
Тоқат йўқдур сизни ўйлаб,
ҳар дам, ҳар лаҳза,
Исмингизни такрор, такрор,
минг калом айлаб.
Неча марта сабаблардан
еткурдик нома,
Сизга севги, муҳаббатдан
эҳтиром айлаб.
Айтинг қачон биз тарафга
келурсиз жоним,
Жалилийнинг ҳузүрида бир
салом айлаб.

1995.

МАНФААТ БЎЛСА

Бир одам бор жуда илдам,
шахсий иш, манфаат бўлса,
Ўзин ташлайди томдан ҳам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Оёгининг бир гўрда,
бири луқма кутиб тўрда,
Ўргимчакдек ишар ҳар дам
шахсий иш, манфаат бўлса.

Ифводан ҳам уялмайдир,
ўзин асло тиелмайдир.
Шайтонга улфату ҳамдам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Калин айлади а бетни,
тахви бев айлабон этни,
Турланур кунда бу одам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Кўринса унга бир соҳиб,
амалдор сўзлари вожиб,
Ялар оёғини лайчам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Кўрсатиб ўзин ул доно,
бўлиб гўё бир фузало,
Башорат ҳам килур кам-кам,
шахсий иш, манфаат бўлса.
Юзма юз доимо ўктам,
безарар, беозор, одам,
Орқангдан тиг урар ошнам
шахсий иш, манфаат бўлса.
Эй Жалилий, бўл хотиржам,
унга ёлғиз худо ҳакам,
Ўчар у хотирангдан ҳам
шахсий иш, манфаат бўлса.

1996.

ЭЛ ДАРДИНИ ҲИС ҚИЛМАСА

Элу юрт деб бир иш қилиш
гар қўлингдан келмаса,
Қўлидан келганни қўлла,
майли ҳеч ким билмаса.
Эл ғамида қон ютиб
юрган киши кадрини бил,
Одам ҳеч одам бўлурму,
эл дардини ҳис қилмаса.
Ҳақиқат излаганларнинг
бўлмагин йўлида гов,
Ҳақни ҳаққа ажратур ким,
ҳақиқатгўй бўлмаса.
Дур-жавохир ўз-ўзидан
сўв юзига чиқдиму,
Ғаввослар шахд бирла шўнғиб,
гар тубидан олмаса.
Элга худбин, дунёпараст
зотлардан ҳеч борму наф,
Уйқиси келмас сира
элдан ҳар кун бир юлмаса.
Баъзи гофил бандалар -
пул, амал ишратнинг қули,
Эл учун бир чўпни олмас,
элдан олдин "олмаса".
Жалилий, қад тикламас эл,
ҳеч ривож топмас ватан,
Элу юрт деб барча тенгдан
гар югуриб елмаса.

1997.

ҲАЁЛ

Кўнгил қушим тайёрадир,
тайёрада учган ҳаёл.
Бир лаҳзада сайёрадан
сайёрага кўчган ҳаёл.
Ҳаёл суриб юрган кўйим,
худуд билмас фикру ўйим,
Татқиқ этиб олам ўйин,
янги дунё очган ҳаёл.
Гоҳ дилда бир дам ярк этиб,
ёдим аро ширин ўтиб.
Гоҳ изласам илҳақ этиб,
хотирамдан қочган ҳаёл.
Гоҳи-гамгин, гоҳи шодон,
гоҳи мамнун, гоҳи нолон,
Гоҳ ўксиниб, қилиб армон
бахту иқбол кучган ҳаёл.
Баъзан яхши, баъзан ёмон,
ҳаёлларга борар инсон,
Яхшилиқдан олам жаҳон,
туғунларни ечган ҳаёл.
Эй Жалилий, покдил одду,
ҳаёллари мисли шабнам,
Гўзал ва пок бўлсин ҳар дам,
ҳаёлингдан кечган ҳаёл.

1998.

ОЙДИН КЕЧА

Сутдек оппок, ёп-ёругдир,
дилдор бу кун ойдин кеча,
Бўлганмикин ҳеч замон бир,
бағри бутун ойдин кеча.
Кимдир гамгин, юлдуз санаб,
кўнгли ярим бахтин тилаб,
Ким эса ёр зулфин силаб,
бедор бу тун ойдин кеча.
Тун гўзал ул ойни қучар,
нўри зиесини ичар,
Бағри қўйиб юлдуз учар,
ҳоли нигун ойдин кеча.
Ойдин қилиб тунлари ой,
ёрга бўлиб рамзи чирой,
Аммо ўзининг қадди ёй,
бағри кукун ойдин кеча.
Эй Жалилий, бўлди ойдин,
кўп сир-асрор тўлган ойдин,
Шундан бу тун бўлди ойдин,
ой ҳам бутун ойдин кеча.

1998.

КЎРАРМИЗ

Кўп ёмонлик қилдинг охир
ўзингни ҳолинг кўрармиз,
Қилмишларинг жуда огир,
олган жазонинг кўрармиз

Яхшиларга илғот фасод
бирла кўп бердинг азоб,
Бир кун бўлиб якка мохов,
тортган азобинг кўрармиз.
Сен ўзинга кўйдинг бино,
ўз наздингда бўлдинг худо,
Амалингдан бўлгач жудо,
сумбат, суробинг кўрармиз.
Ишинг бўлди риёкорлик,
кўшмачилик, зинокорлик,
Таъмагирлик ва гаддорлик,
бир кун заволинг кўрармиз.
Эй Жалилий кимки ноҳақ
жафо қилса жазо барҳақ,
Сен ҳақ ўйсан чиқибсан ҳақ,
энди камолинг кўрармиз.

1998.

НАФИС, НАФИС...

Гул баргидек дудоқлар
нафис, нафис,
Ақиқ, оппоқ томоқлар
нафис, нафис.
Очилмаган қизил гул
гунчасидек,
Қирмиз лаблар - япроқлар
нафис, нафис.
Қарасангиз қош, кўзи
кўйдиради,

Ойдек бодом кобоклар
нафис, нафис.
Нафис комат, нафис
хусну латофат,
Назокатли нигохлар
нафис, нафис.
Жонга титроқ тушди
тегиб кетганда,
Хиноланган бармоқлар
нафис, нафис.
Нафис ғазал битмиш
сизга Жалилий,
Армонлидур бу чоқлар
нафис, нафис...

1998.

ИНСОН ГЎЗАЛ

Ер юзида ҳазрати
инсон гўзал, инсон гўзал,
Инсон дилида нури,
иймон гўзал, иймон гўзал.
Иймон билан бир андоза
кавсар сувида андоза,
Тонг елидек покиза
виждон гўзал, виждон гўзал.
Виждон надир англлатган,
иймон нури таратган,
Бизга худо яратган
имкон гўзал, имкон гўзал.

Рухларни шод этмоқ учун,
дўстни ёд этмоқ учун,
Химмат билан килинган
эхсон гўзал, эхсон гўзал.
Жалилий, эхсон дедим,
инсон билан иймон дедим.
Бу сўзларни ўргатган
Қуръон гўзал, Қуръон гўзал.

1998.

ЭЙ, ДЎСТ

Биз оддий бир заррадурмиз,
сиз нури жаҳон, эй дўст,
Биз денгиздан қатрадурмиз,
сиз буюк уммон, эй дўст!
Биз оёқ остида ермиз,
боссангиз шукрона дермиз,
Барча эл пойидадурмиз,
сиз баланд осмон, эй дўст!
Сиз ажиб бир хуш табиат,
хуш одамсиз, хуш сурат,
Биз алаф, янтоқ сифат,
сиз гулу райхон, эй дўст!
Биз мисол тупроқ эрурмиз,
сиз юксак тоғ эрурсиз,
Биз ердаги бог эрурмиз,
сиз жаннат макон, эй дўст!

Жалилий, комил одам,
одми бўлур зўр бўлса ҳам,
Сиз коби бўлмоқ бу дам,
бизга бир армон, эй дўст !

1998

ҚАРЗ ЭТМИШ

Андишасиз одам дил шишасин
дарз этмиш, дарз этмиш,
Рухи жоним қийналиб
кўкларга арз этмиш, арз этмиш.
Қилмишидан огриниб, дил
гам чекиб турсам яна ул зот,
Панду насихат айлабон
менга ваъз этмиш, ваъз этмиш.
Ёмонларга феълу бадликни
бир жазо қилган эгам,
Яхшиларга хуш табиатликни
қарз этмиш, қарз этмиш.
Шу боис минг бора ўйлаб,
сўнгра бир гапни айтмоқни,
Ҳар бир бандаи мўминга
хаёт фарз этмиш, фарз этмиш.
Бажо айлай, деб Жалилий
бу фарзни кечаю кундуз,
Ҳадислардан кўнгил олмоқни
дарс этмиш, дарс этмиш.

1998.

ҚИЙИН

Ҳасадгўй одамга қийин,
ичи тўпа ғамга қийин,
Юрагига қурум тўлиб,
кетган ул "ошнам"га қийин.
Ютугингдан азоб чекар,
сенга қабр қазиб чиқар,
Ўз этини гажиб чиқар,
борлиғи мотамга қийин.
Борлигингни кўролмайди,
бир бурда нон беролмайди,
Еталаб ҳам юролмайди,
феъли бад мубҳамга қийин.
Ўзгаларни игво қилур,
хар жойда у ғавго қилур,
Иймонини савдо қилур,
ул чало мулламга қийин.
Эй Жалилий, топгил шу дам,
ҳавас дорисидан малҳам,
Тузатгил бу беморни ҳам,
аммо шу малҳамга қийин.

1998.

АЖРАМА

Илк бор кўз очиб кўрган
нигорингдан ажрама,
Севишиб турмуш кўрган
гул ёрингдан ажрама.
Умид билан қўйибсан
бир ёстикка бошингни,
Ўшал қадрдон естик
курогингдан ажрама.
Аччиқ қилиб бургага
кўрпа-тўшак куйдирма,
Бола-чақа, оиланг,
рўзгорингдан ажрама.
Эру хотин уриши
доқа рўмол қуриши,
Уришганда ажратмас
туморингдан ажрама.
Кўча-кўйда кўзлари
хуморлар кўлдир, бори
Ўтоверсин, уйдаги
хуморингдан ажрама.
Чумолининг уйи ҳам
бузилмасин, Жалилий,
Муқаддас аҳду паймон,
қарорингдан ажрама.

1998.

СИНГЛИМ

Доимо ой юзингда
табассум кўрай синглим,
Кеча - кундуз Аллохдан
сенга бахт сўрай синглим.
Борму сендек меҳрибон
бу дунёда бирор жон,
Онамдек бошга ҳар он
кўтариб юрай синглим.
Кўзингда нам кўрмайин,
юзингда ғам кўрмайин,
Бошингни ҳам кўрмайин,
дардинг кўтарай синглим.
Меҳр туюб жонингда,
ака деган онингда,
Суянч бўлиб ёнингда,
тоғлардек турай синглим.
Кўргим келиб ўзингни,
соғинганда сўзингни,
Кириб келсанг изингни
кўзимга сўрай синглим.
Сўзинг ўхшайди дурга,
ўзинг ўхшайсан хурга,
Оламдаги бор нурга,
мен сени ўрай синглим.
Эй Жалилий, пок дилни,
туҳфаси деб кўнгилни,
Дунёдаги бор гулни
сен учун терай синглим

1993.

АЗАЛ

Бандасини ўз нафсига
банди қилиб қўймиш азал,
Ҳар бир тилак, орзусига
банди қилиб қўймиш азал.
Қўйсаким дунёга кўнгил,
бўлса унинг туммори пул,
Ул зотни айлаб пулга қул,
банди қилиб қўймиш азал.
Кимки амал истаб, амал
қалъасини қилса қамал,
Амал бериб унга тугал,
банди қилиб қўймиш азал.
Ким айшу ишрат излади,
доим роҳатни кўзлади,
Бир дардга, сўнг ул бўзлади,
банди қилиб қўймиш азал.
Эй Жалилий, сен фақат зор,
ҳақ, жамолин истадинг, ёр-
Зулфин айлоб, шул сабаб дор,
банди қилиб қўймиш азал.


1998.

ДИЛДОРРОҚ

Бормикин оламда дилдор,
сиздан сулув, дилдорроқ,
Сизга дилдор бормикин ёр,
биздан ҳам зору зорроқ.
Айтдилар бўлманг овора,
ул санам хуштори кўп,
Бормикин хушторларингиз,
ичра биздан хушторроқ.
Не бўлибди ошиқ аҳли
ичра Мажнун севгиси,
Ҳеч қачон бўлганми Мажнун
бизданам ҳам бедорроқ.
Дебсиз умид қилмасинлар,
леҳ озор чекмасинлар,
Бормикин озорлар ичра
озор бундан озорроқ.
Эй Жалилий, маъшуқалар
ошиқларин хор этмасин,
Йўқса бўлмас ким анингдек,
хорлар ичинда хорроқ.

1994.

ТУРКИСТОН ҚЎШИҒИ



*Кўркли, қутлуғ номи бордир
бу юртнинг,
Беш минг йиллик шони
бордир бу юртнинг...*

ЎЙНА, ҚУВОН, ЭЙ ДИЛ!

Ўйна, қувон, эй дил, Ватан озод бўлди,
Биз ҳам озод бўлдик,
Ўйна, қувон, эй дил, Ватан обод бўлди,
Биз ҳам обод бўлдик.
Ўйна қувон, эй дил, Ватаннинг тонги отди,
Миллатни ҳам уйготди,
Ўйна, қувон, эй дил, Ватан кишанни отди,
Биз ҳам кишанни отдик...

1991.

ТУРКИСТОН

Энг қадимги бир макондир бу макон,
Энг муқаддас ошиёндир бу макон,
Томирларда оққан қондир бу макон,
Тан қалаъси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Кўркли, қутлуғ номи бордир бу юртнинг,
Беш минг йиллик шони бордир бу юртнинг,
Бугдой ундан нони бордир бу юртнинг,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Ғўрўғлибек, Алпомишнинг бешиги,
Кўҳна Ўзган, Боласоғун эшиги,
Юсуф Хос Хожиблар айтган кўшиги,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Эли кўхна, элларнинг бош бўғини,
Йигинлари Кул Тегинлар йигини,
Битиклари Ўрхун, Унгин битиги,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Уруглари саногойўқ, катта эл,
Қозоқ, қирғиз, озор, туркман, Чамбилбел,
Бир-биридан улўғ, буюқ, хилма-хил,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

Бу тупрокнинг минг-минг йиллик сири бор,
Ўғиз сири ҳеч очилмас ери бор,
"Қуёшли ер" олови бор, нури бор,
Тан қалъаси ичра жондир бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, Туркистон !

1995.

ТУРКИСТОННИНГ ТУҒИЛМАГАН ЎҒИЛЛАРИ

Ҳатто сизнинг борингиздан кўркишади
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.
Онанинг соясида кўркишади
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.

Онани туғмагин деб алдашади,
Туғолмайсан, қонинг кам деб аврашади.
Қоринда ҳам сизга туҳмат қилишади,
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.

Туғилмасдан Ватан учун ўтмоқдасиз,
Туғилмасдан жонни фидо этмоқдасиз.
Туғилмасдан туриб шаҳид кетмоқдасиз,
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.

Сизлар учун онангизга кўпдир савол,
Сизлар учун топилмайди тўлгоқ укол.
Туғилсангиз кимларгадир келар малол,
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.

Ичингизда балки бордир Амир Темур,
Ичингизда чиқар яна битта Бобур.
Қай бирингиз Алишерсиз ким ҳам билур,
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.

Сиз барибир Алпомишдек туғиласиз,
Туғилибоқ Туркистонга туғ иласиз.
Сиз ўзингиз юртингизга бек бўласиз,
Туркистоннинг туғилмаган ўғиллари.

1990.

ҚОЗОҒИМ

Еримиз бир, элимиз бир, тилимиз бир бизларнинг,
Динимиз бир, дилимиз бир, қалбимиз бир бизларнинг,
Келажакда йўлимиз бир, қўлимиз бир бизларнинг,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозогим,
Эй сен менинг туғишганим, қозогим, ҳей қогозим!

Ҳар бир ўзбек қозоқларни ўзига билар ўздек,
Қозоқ қошу ўзбеклар кўз, ўзбек қош, қозоқ кўздек,
Икки жондош-қариндош эл, осмонда бир юлдуздек,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозоғим,
Эй сен менинг туғишганим, қозоғим, ҳей қозоғим!

Абай айтган ўланларда ўзбекнинг ҳам дарди бор,
Ўлмас чеккан фигонларда оролнинг ҳам гарди бор.
Алп лаганда қозоқларнинг Ҳожи Муқон марди бор,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозоғим,
Эй сен менинг туғишганим, қозоғим, ҳей қозоғим!

Йўлбошчилар янги, янги ипак йўлин очмоқда,
Йўлларимизга истиқлол нурларини сочмоқда.
Истибдоднинг шарпалари чекинмоқда, қочмоқда,
Истиқлолинг муборак, ҳей қаро кўзим қозоғим.
Эй сен менинг туғишганим, қозоғим, ҳей қозоғим!

! Қозоғистон озод, эркин деган сўз дунё кезар,
Мустақиллик, эрк, истиқлол сўзи сўзларни безар.
Назарбойнинг ўғли Нурга замона қилди назар,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозоғим,
Эй сен менинг туғишганим, қозоғим, ҳей қозоғим!

Севиб, суюб ўхшасин деб қозоқдек оғасига,
Қозоқбой деб ном қўймиш ўзбек ўз боласига.
Меҳримизнинг рамзи ўхшар тоғнинг ол лоласига,
Истиқлолинг муборак ҳей, қаро кўзим, қозоғим,
Эй сен менинг туғишганим, қозоғим, ҳей қозоғим!

Тонглар каби кўнгли оқдир оғажоним қозоқнинг,
Булоқлардек қалби покдир оғажоним қозоқнинг.
Бағри богдир, кўкси тоғдир, оғажоним қозоқнинг,
Истиклолинг муборақ ҳей, қаро кўзим, қозоғим,
Эй сен менинг туғишганим, қозоғим, ҳей қозоғим!

1994.

ҚИРҒИЗ ҚИЗИГА

-ҳазил-

Эй сулув қиз, кийик кўзли,
Ёноқлари қирмиз қиз.
Юрагимга солдинг гулу,
Ширин сўзли қирғиз қиз.

Юр мен билан оҳугинам,
Наманганга обкетаман.
Гар йўқ десанг Олойгача
Ортингдан ҳам етаман.

Дилимиз бир, тилимиз бир,
Динимиз бир фариштам.
Ҳозир бизнинг Наманганда
Битта қирғиз келин кам.

Рози бўлсанг, муҳаббатнинг
Майига бир туямиз.
Худо берса ўғлимизга
Қирғизбой от қўямиз.

Бишкек.

СОҒУНИЙ

1

Бешбалиқдир қўхна тарих қўшиғи,
Боласоғун - Турон замин бешиғи.
Қайда, излаб ота макон эшиғи,
Бу дунёга келди бўзлаб Соғуний.

Боласоғун ҳар кун қилиб нолани,
Кеча-кундуз тилар эди болани,
Тўлғоқ тутиб бир кун улуг онани,
Бу дунёга келди бўзлаб Соғуний.

Боласоғун Соғунийга зор эди,
Соғунийсиз қутлуг ери хор эди.
Яратгандан сўраб интизор эди,
Бу дунёга келди бўзлаб Соғуний.

Боласоғун қонла зардоб ютарди,
Ичидан ғам, қайғу алам ўтарди.
Азоб ичра мард ўғлини кутарди,
Бу дунёга келди бўзлаб Соғуний.

2

Кетар бўлдим мен энди,
Менга алам ёр бўлди.
Она юртим Туркистон
Менга энди тор бўлди.

Кетар бўлдим юртимдан,
Юрак-бағрим тўла қон.

Қолмақдадур ортимда
Ота макон Туркистон.

Қолмақдадур Туркистон -
Турк элининг бешиги.
Кетмоқдаман зор йиглаб,
Ёпик юртим эшиги.

3

Қайтиб оқар яна, бир оққан дарё,
Бир юрган йўллардан яна ўтармиз.
Бир кун бизга боқар яна бу дунё,
Эркин, озод бўлган кунни кутармиз.

Бир кун яна келиб, тошади Хазар,*
Туркийлар уйғониб қудрати жўшар,
Туркистон шавкати ошгандан ошар,
Эркин, озод бўлган кунни кутармиз.

Истибдод қалъаси бир кун бузилар,
Кишанлар, занжирлар яна ўзилар,
Пароканда эллар сафга тизилар
Эркин, озод бўлган кунни кутармиз.

4

Боласоғун шаҳри кўҳна, улўғдир,
Қадим номи унинг Моқулбалиқдир,
Бир шаҳарки кўтлўғ, эслагуликдир,
Унитилган азиз Ватанни эсланг.

* Каспий денгизи.

Турк бешиги уйгур, ўғуз элини,
Туркий элнинг қадим ширин тилини,
Боболарнинг босиб ўтган йўлини,
Унутилган азиз Ватанни эсланг.

Ким Ватанни айтинг, эсдан чиқарди,
Жаҳолатда шонни эсдан чиқарди,
Нега Туркистонни эсдан чиқарди,
Унутилган азиз Ватанни эсланг.

Мен шу улўғ юртнинг фарзандидурман,
Буюк, катта халқнинг дилбандидурман,
Темурийларга мен пайвандидурман,
Унутилган азиз Ватанни эсланг.

Ватан десам ўйлаб жўмла оламни,
Мен эслайман унутилган онамни,
Одам денглар Ватан деган одамни,
Унутилган азиз Ватанни эсланг.

Эсланг унутилган қадим ўланни,
Камситилган, ўксук гариб Ватанни.
Душманлар топтаган гул-сийму танни,
Унутилган азиз Ватанни эсланг.

1992.

ДУНГАНЛАР ФОЖИАСИ

1919 йил.

1

Чингиз давридан буён,
Кўрмаганди Туркистон
Бу каби бахтсизликни,
Вахшийлик, ёвузликни...

2

Русияда оқ подшо
Тахтидан ағдарилди.
Ҳокимият устига
Қизил ҳукумат келди.
Халқлар тафтиш қилинди,
Синфларга бўлинди.
Эзгулик бўлди касод,
Сепилди фитна-фасод.
Бирин қайраб бирига,
Хотинини эрига,
Ўглини отасига,
Акани укасига
Она билан қизини,
Ўзи билан ўзини
Овора қилиб қўйиб,
Олдилар кўзин ўйиб.

3

Одамлар ранги сўлгин,
Бошланди қонли қиргин.

Фуқаролар уришиб,
Бир-бирини қиришиб,
Бегуноҳлар отилди,
Сўйилди ва чопилди.
Элни бир-бир эланди,
Ўз қонига беланди.
Тўтиб бойлик хумори,
Таланди халқнинг бори.
Мулк бўлди мусодара,
Одамлар дили пора.
Хайдалди боло-чақа.
Ямоқ тўн, йиртиқ ёқа.

4

Ҳаддидан ошди зулм,
Оддий ҳол бўлди ўлим.
Қочган қочиб қутилди,
Кўплар қувиб тутилди.
Илмли киши борки,
Ким ақли, ҳуши борки,
Қамоқларга ташланди,
Қийноқ, сўроқ бошланди.
Кўплар ўлди чидолмай,
Тўхматларни тан олмай...
Кўплар сургун қилинди,
Ўз юртидан қувилди.
Фикри ўзгача ким бор,
Бўлди балого дучор.
Барчани қўрқитилди,
Урилди, йиқитилди.

5

Бошланган бӯ "Инқилоб",
 Қилди барчани хароб.
 Сигмасдан ўз уйига,
 Ётмай ўйлаб ўйига
 Мазлум халқ кўзин ёшлаб,
 Кетди юртини ташлаб.
 Охир тугаб бардоши,
 Тугаб кўзида ёши
 Дехқон аҳли бирлашди,
 Аҳд қилишиб тиллашди.

6

Қораболта, Сўқулук,
 Оқсу... Бўлди кўргулук.
 Ўн саккиз рус қишлоғи,
 Болта, ўрок, яроғи,
 Қизилларга ташланди,
 Зўр қўзғолон бошланди.
 Гап нимада билмасдан,
 Мулоҳаза қилмасдан
 Руслар ёнига шу дам,
 Кўшилди дунганлар ҳам.
 Бари мазлум, қора халқ,
 Қизиллардан сўраб ҳақ
 Излаб дардларга чора,
 Бўлдилар кўп оввора.
 Қўзғолон бостирилди,
 Кўплари остирилди.

7

Рус деҳқонлардан аммо,
 Озчилик олди жазо.
 Барча кулфатни шу вақт,
 Дунганлар кўрди фақат.
 Саккиз юз мусулмонни,
 Ерлик дунган деҳқонни,
 Олиб келиб Бишкекка,
 Бозорда қилиб тикка
 Барчасини тўпладилар,
 Қонларини ҳўпладилар.
 Айбдор қилиб жўрттага,
 Ўраб олиб ўртага,
 Пулемётга тутдилар,
 Сўнг найзалаб ўтдилар.
 Бозор қоришди қонга,
 Дод сигмасдан осмонга...

8

Сўнг бошланди шу замон
 Дунган қишлоғи томон,
 "Ғолибона" зўр юриш,
 Қишлоққа қарши уруш.
 Кексаю ёш отилди,
 Бола-чақа чопилди.
 Ҳайдаб чиқиб қўйларни,
 Ёндирилди уйларни.
 Қизил отли оломон,
 Мол-мулкни қилди талон.
 Қаралмай кўргүлукка,
 Кўча тўла ўликка
 Кўздан қонлар оқарди,

Ғом, алам ўт ёқарди.
Қараш даҳшатли эди,
Ҳолат ваҳшатли эди.
Юрак йигларди ўнсиз,
Қундузи эди қўнсиз...

9

Асли бу ғавғо эди,
Режали игво эди.
Ишонувчан авом халқ,
Содда, ами, тамом халқ.
Чўзилмай иш ўзоққа,
Лаққа тушди тузоққа.
Бор будидан айрилди,
Қанотлари қайрилди.
Олдириб юрагини,
Ўнутиб тилагини,
Иродаси бўкилди,
Шундайин маҳв этилди.

10

Қўзингни оч деб шеърхон,
Тарихни қилдим баён.
Қизиллар шу йўл билан,
Мурдор, қонли қўл билан
Ҳокимиятни олдилар,
Тепасида қолдилар.
Қиргин, нифок, қўрқитиш,
Зўрлик билан иш тутиш
Улар учун аввалдан,
Ўсул эди синалган...

1992.

ЎЗГАН ДАФТАРИ



Биз ифвога учсак,
кўп адашамиз,
Ога-ини бўлсак,
не талашамиз?

ЎЗГАН ДАФТАРИ

I. ҚОРА ЮЗЛИКЛАР

Бир минг тўққиз юзу тўқсон биринчи-
Йилнинг саратони. Ўшда, Ўзганда
Фожеа рўй берди саҳарга яқин,
Ўзбеклар осуда ухлаб ётганда.

Ўн минг чоғли ёвуз, қаттол оломон,
Ногоҳ ҳужум қилди, пиёда, отлик.
Қўлларида пичоқ, найзаю гаврон,
Болтаю тўппонча, тез отар милтик.

Қутурган ит каби ташланди улар,
Ширин ухлаб ётган тинч аҳолига.
Молу холин талаб, ўтни қўйдилар,
Эгасин ўлдириб, ҳар бир ҳовлига.

Ўзбек аёлларин туғруқхонада
Чавақлаб қорнини ёриб кетдилар.
Мурғак ҳомиласин юлиб хонадан
Деразадан эшик томон отдилар.

Бундай ёвузликни кўрмаган олам,
Кўрса қолар эди фашист ер чизиб.
Вахшийлик бобида Чингизхондан ҳам
Қотиллар Ўзганда кетдилар ўзиб.

Мол-мулклар таланди хонадонларда,
Юзлаб машиналар олиб қочилди.

Үйлар ёндирилди. Неча жонлар-да
Қўй каби сўйилди, чопиб отилди.

Қотиллар мақсади ўзбек ва қирғиз
Орасига нифоқ солмоқлик эди.
Икки ога-ини элнинг бирлашиб-
Кетишин олдини олмоқлик эди.

Қўзойнакли илон - Кобра мисоли
Қотиллар кўзида никоб бор эди.
Афту башараси сарғишдан келган,
Разил ва мунофиқ ҳам мурдор эди.

Кимлар эди, ўша қора юзликлар,
Таниб бўлмасмиди башарасидан?
Улар қирғиз эмас, келишган эди
Туркистон тупроғин ташқарисидан...

2.РАЗОЛАТ

Бойкуш кўнди лола қизгалдоқларга,
Иблис тумшук солди оқ булоқларга.
Девлар оралади яшил боғларга,
"Ит тегди сўт хидли қизалоқларга"...*

Олти ёш маъсума қизлар зўрланди,
Она таҳқирланди, ота хўрланди.
Ваҳшийлик, разиллик билан турланди,
Ит тегди сўт хидли қизалоқларга...

*.Ҳ.Худойбердиева.

Инсонмиди улар ёки ҳайвонми?
Инсон қиёфали разил шайтонми?
Айтинг, кимлар улар ёки беномми?
Ит тегди сут хидли қизалоқларга...

Бундай қабоҳатни ким ҳам унутгай,
Бир кун гўдакларнинг уволи тутгай.
Муқаррар итни ит ўлими кутгай,
Ит тегди сут хидли қизалоқларга.

3. ИЛОН УДУМИ

Етар, бас, гапирманг,
Етар энди, бас.
Ўзганда қон тўккан
Қирғизлар эмас...

У минг яширмасин,
Кўзин бу замон
Қонхўр ким, жаллод ким,
Кўрмоқда жаҳон.

Бу ўша заҳарли
Илон удуми.
Чақиб беркинару
Фош этар думи...

4. АЛПОМИШЛАР ҚАЙДАСИЗ?

Ўзган гамга тўлди макру риёдан,
Ўликлар оқизоқ қора дарёдан.
Тоғлар йиғламокда дардли нидодан,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Бокира қизларни олиб қочди ёв,
Олойда қийнади, хўрлаб беаёв.
Ётти пушти бўлсин уларни махов,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Қаердасиз бели боғлиқ ўғлонлар,
Гўрўғли авлоди, марду мардонлар.
Ўшлик кизлар бунда ютдику қонлар,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Бизнинг азобларни сезса гар Бобур,
Қабридан отилиб чиқарди ҳозир.
Ким бор бизни ҳалос этгани қодир,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

Биз дўстмиз деганлар агёрлар экан,
Огангман деганлар гаддорлар экан,
Юзларида шойи ниқоб бор экан,
Алпомишлар, Авазхонлар қайдасиз?

5.БИЗЛАР БИР ДАРАХТНИНГ ИЛДИЗЛАРИМИЗ

Биз-ўзбек, тожик, қозок, қирғизлармиз,
Бир улкан дарахтдан бир илдизлармиз.
Ҳеч ким ўз томирин қирқарми, айтинг
Алданмангиз! Қирқасак сўнгра бўзлармиз.

Биз Турон кўкидан бир юлдузлармиз,
Туркий наслданмиз, ёрқин излармиз.
Ўйгонинг эй азиз, қутлуг жондошлар,
Шу буюк Ватанга эга бизлармиз.

Мудом низо чиқса бу душман иши,
Бизни пароканда қилмоқ хоҳиши.
Бири биримиздан жудо айлаб сўнг,
Кўҳна найранг битта-битта қирқиши.

Ўйланг Туркистонни чирқиратган ким?
Пайт пойлаб қонларин тирқиратган ким?
Ўзин ожиз сезиб Турон қошида,
Бу қирғиз, ўзбек деб ажратган ким?

Босқинчида сира раҳм, шафқат бўлмас,
Сўзларида субут, ҳақиқат бўлмас.
Унинг сўзигамас, ишига қаранг,
Риёкор...Билингки, оқибат бўлмас.

Биз игвога учсак кўп адашамиз,
Оға-ини бўлсак не талашамиз?

1991.

ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ



Умидим ошиқди кўзларим яйнаб,
Дилимдан бир сатр шеър отилган он.
Тилимдан илдию еллар авайлаб,
Меҳрим қуёшида акс этди жаҳон.

МУҲАББАТ

Шўхликлар тўлкини ила басма-бас
Илк муҳаббат қуши учганда шодон
Гўдак юрагимнинг тоза, муқаддас,
Оппоқ қатларига қўнганда пинҳон.

Нозик туйғуларим кўзғолса майин,
Қуш қанотларини қоқиб кўярди.
О, у қанотлар қалқиган сайин,
Шўхликлардан уни яхши кўрардим.

Яхши кўрар эдим, ўзим билан тенг,
Ўн уч яшар шоддод, гўзал қизчани.
Яхши кўриш нима. билармидинг денг,
Нима қизиқтирди эканда мени.

Шўхликла йиғлатиб қўйсам гоҳида,
Йиглаб ойисини келарди бошлаб.
Она қулогимни бураб турса-да,
Яхши кўраман-да, дер эдим йиглаб...

1967.

ҚАЙЛАРГА КЕТДИНГ

Юрагимни хуввиллатиб қайларга кетдинг,
Энди сени қайдан излай, қайдан топай ман.
Меҳр тўла кўзларимни интизор этдинг,
Ахир, сенсиз бу дунёда қандай яшайман.

Ушбу дилбар куз окшоми, сертўй кечада,
Карнай-сурнай садолари янграр кўчада.
Менчи, ёлғиз ғамга ботиб хилват гўшада-
Ўлтирибман, эй нигоро қайларга кетдинг?

О, бу ўйлар, ич-этимни ташлайдилар еб,
Ишқ қисмати шунчаларки оғирдир билсанг.
Қани энди, шу лаҳзада ҳазиллашдим деб,
Юрагимга офтоб бўлиб сен кириб келсанг...

1970.

СЕВГИ АРМОНИ

Алвидо эй, сокин хилватгоҳ боғлар!
Алвидо оромгоҳ анҳор бўйлари!
Алвидо эй, қорли улугвор тоғлар!
Алвидо қалбимнинг севган куйлари!

Ширин ҳаёлларим энди алвидо!
Алвидо қаро зулф сокин тунларим!
Алвидо бебаҳо ўтган кунларим!
Нозик туйгуларим энди алвидо!

Энди илгариги ўтли онлардек
Сизнинг бағрингизда юролмам энди.
Севиб, севилолган ошиқ жонлардек
Сизга эҳтиросла қаролмам энди.

Хў оппоқ булутлар ёғиб ўтдилар,
Водийларни ювди менинг кўз ёшим.
Чақинлар самонинг бағрин сўкдилар,
Момагулдирақлар ҳасратим, оҳим.

Хў ёришаётган қорамтир фалак-
Бевафо гўзалнинг қаро юзлари.
Оламнинг белидан қучган камалак
Севгимнинг ҳаётда қолган излари...

1970.

МАКТУБ

(Туркман шоири Осмон Халлиевдан)

Тонгларнинг бошида ташвиш - оқ туман,
Куз келиб сўқмоқлар қолмиш кўмилиб.
Йиртилган хатингдек яйдоқ шохларга
Заъфaron япроқлар қолмиш илиниб.

Куз келиб, оқшомлар ғамгин ва сокин,
Ҳатто кундузларнинг чехраси сўлгин.
Жўшқин дарёлардан узулиб қолган
Сувларнинг кўзида ёшлари тўлгин.

Оқ булутлар сузар, ўй суриб оғир,
Баҳорни сўроқлаб йўқотмиш йўлин.
Гулларга шивирлаб сир айтган ёмғир,
Ҳис қилар қалби муз қорларнинг қўлин.

Ўтган кунларни ҳеч кўмсамас кўнгил,
Ҳаёллар баҳрида чўмилиб, толдим.
Борардимۇ аммо... олдинга эй гул,
Куз келиб сўқмоқлар кўмилиб қолди...

ОҒАҲИЙ

Шоирнинг 190 йиллигига

Ўз дардини ўйламади у,
Аҳли шоҳдан ўгирди юзин.
Ўз ғамидан сўйламади у,
Фақир элга бахш этди ўзин.

Ўз дардини ўйлаган шоир,
Шоир эмас, нафс бандаси.
Бешта-ўнта юлмоққа моҳир,
Нафси ўпқон намојандаси.

Улар нима қилса қилар у,
Нима дегин деса сайрайди.
Маддоҳликни яхши билар у,
Худди тўти бўлиб яйрайди.

Ўз дардини ўйлаган шоир
Дунёпараст зотлар адоси.
Холвайтардек бўлгуси зохир,
Арзон шуҳрат ва шон гадоси.

Ўз дардини ўйлаган шоир
Фарқин билмас ҳаром - ҳалолни.
Лоф ўриб у покликка доир,
Фахшлар ичра топар оромни.

Ўз дардини ўйлаган шоир,
Шоирмас, эл кўнглидан қолар.
Эл дардларин кўйлаган шоир
Оғаҳийдек улуг ном олар...

1999 й.

ҲАВАС

Усмон Носирга

Наманган... Усмон Носир, Усмон Носир,
Қайта-қайта такрорлайман дилимда.
Қалби оташ, шеърятда шўх шоир,
Ашъорларинг такрорлайман тилимда.
Шеъринг ўқиб, сен билан сўзлашиб мен,
Кулиб турган юзларингга қарадим.
Ойдин фикр, теранликни айтдинг сен.
Ёш бўлсанг ҳам улўғ шоир санадим.
Кўкни булут босса зумда тарқалар,
Осмон тўқар беҳудага кўз ёшин.
Қумриларни тилкалади қарғалар,
Қуруқ тўхматларга эгилди бошинг.
Энди яйраб ижод қилиб юрмадинг,
Бахтинг сенга бунда насиб қилмади.
Дўстлар билан бирга ўйнаб кулмадинг,
Очиқ кўзлар кўру кўра билмади.

* * *

Олис Шимол. Ғурбат кунлар, оҳ у азоб-уқубат,
Элга меҳринг қалбда борчун сени бўка олмади.
Жаранглади сенинг шеъринг танингга бўлди қувват.
Ҳақиқатга инондинг сен, ҳақиқатдан қолмадинг.
Онлар ўтди, кунлар ўтди, ойлар, йиллар кетидан,
Ҳақни ҳаққа айрилди, хатоликлар ювилди.
Мунофиқлар тирик бўлса жудо бўлди этидан,
Ўлганлари йўқлик сари эл қалбидан қувилди.

1967,24 сентябрь.

ЮЛДУЗ УЧДИ...

Юлдуз учди !
Хув, қаранг !
Юлдузлар орасидан.
Тигдек тилди тун багрин,
Бепарво ноласидан.
У юлдуз аламдийда,
Нурдан кўзида ёши.
Айрилиқнинг дардида,
Туғаб борар бардоши.
Ахир, бепоён осмон
Унинг ватани эди.
Унга дўсту қадрдон
Юлдуз чамани эди.
Сайёралар ёнидан
Ерга кулиб боқарди.
Умидсизлар қонида
Умид ўтин ёқарди.
Ҳозир ўзи умидсиз,
Ватанини тарк этди.
Ва зулмат ичра беиз
Сўниб, йўқ бўлиб кетди...

1968.

* *

*

Бир эзгулик сездим юраккинамда,
Туғилибки ақлим таниган оним.
Онам меҳри эриб тилакканамда,
Олам ишқ-сехридан полланди жоним.

Умидим ошиқди кўзларим яйнаб,
Дилимдан бир сатр шеър отилган он.
Тилимдан илдию еллар авайлаб,
Меҳрим кўёшида акс этди жаҳон.

1968.

ЭНГ ГЎЗАЛ ГУЛ

-ривоят-

Ҳиндистонда қадим замонда,
Ўтган экан улўғ бир хокон.
Доноликда ҳамма томонда
Топган экан катта шуҳрат-шон.
Бир кун у ўз саройига,
Чақирибди аҳли донишни.
Ва сўрабди базм чоғида
Бир саволга жавоб беришни.
-Гуллар ичра энг чиройлиси,
Энг гўзали қайси бири ул?
-Инсонларга бахт келтирувчи,
Хосиятли қайси гўзал гул?
Давра қурган не-не шуаро,
Алломалар чўмдилар ўйга.
Агар ҳеч ким демаса лом-мим,
Тушардилар улар не кўйга?
Улўғ хонга қиларкан таъзим,
-Мен айтайин,- деди бир доно.
-Гар кечсангиз бир қошиқ қоним,
Ўдир гуллар гўзали Раъно.

-Чаманзорда раънодан кўра,
Нафисрок гул топилмас сира.
Ва келтирди гулзордан ўзи,
Гул раънодан ажиб гулдаста.
Ёришмади ҳоқонни юзи,
Бош ирғади "Йўқ" дея аста.
Улуг хонга қиларкан таъзим,
-Мен айтайин,- деди бир фозил.
-Гар кечсангиз бир қошиқ коним,
Қизил гулдир сиз ўйлаган гул.
-Богда бўлбўл қиларкан хониш,
Қизил гулнинг висолидан маст.
-Айлаганга ҳидламоқ хоҳиш,
Ундан хиди ўткир гул бўлмас.
Ва келтирди гулзордан ўзи,
Қизил гулдан чўгдек гулдаста.
Ёришмади ҳоқонни юзи,
Бош ирғади "Йўқ" дея аста.
Улуг хонга қиларкан таъзим,
Сўз сўради бир соҳиб хунар.
-Гар кечсангиз бир қошиқ коним,
Энг гўзал гул удир нилуфар.
-Субҳидамда келин мисоли
Сувдан аста кўтаради бош.
-Буткул аср этиб жамоли,
Унга тинмай нур сочар қуёш.
Ва келтирди гулзордан ўзи,
Биллур гулдон ичра гулдаста.
Ёришмади ҳоқонни юзи,
Бош ирғади "Йўқ" дея аста.
Шод бўлмади шунда ҳам ҳоқон,
Қад ростлади, бўлди дарғазаб.

Терга ботди ҳамма ҳам шу он,
Қайси гулдир, ахир у ажаб?
-Мен айтайин, - деди шу замон,
Таъзим қилиб хизматкор аёл.
Ким экан деб оқила жонон
Барча унга қаради хушҳол.
Бирров чиқиб саройдан санам,
Олиб келди гўза гулини.
Деди: бизни кийинтирган ҳам,
Шудир гуллар ичра гўзали!
Мамнун бўлиб жавобдан ҳоқон,
Шунда дили бўлди мунаввар.
Ҳазначига айлади фармон:
-Аёл боши узра сочинг зар!

ҲАҚИҚАТ

Майдон. Ҳақ ва ноҳақ турар юзма-юз,
Иккисин қўлида дудама ханжар.
Ҳақку ҳақ, ноҳақ ҳам ҳақман дейди юз,
Ҳақиқат ўлади, енгса у агар.

Нафас олмай сукут сақлайди дунё,
Киприк қоқмай қараб турар одамлар.
Ҳаёт ҳаёт бўлар, эрмак бўлар ё,
Ҳаёт ҳаётини ҳал қилгучи дамлар.

Ноҳақ шиддат билан ташланди тикка,
Бор разилликлардан ишлатиб ҳадис.
Қаттиқ ҳамла қилди ҳақгўйга қалтис,
Тиф шиф этиб қилди ҳавони тилка.

...Одамларнинг қалби кетди орзиқиб,
Танларда музлади шунда ҳаяжон.
Эпчил чап бераркан ҳақгўй энтиқиб,
Вазмин қараб турар кўзларида қон...

Инсон яралдики бошланмиш бу жанг,
Инсон борки бу жанг этади давом.
Аммо адолатга тимсол бўлур ҳақ,
Разолатга тимсол ноҳақ деган ном.

1969.

ОДАМ ВА ОЛАМ

Бир неча миллион йиллар муқаддам,
Яралди табиат тугёнларидан,
Қуёш юрагининг эҳсонларидан
Азалий коинот бағрида олам.

Нур товуш пуштидан яралди жонзот,
Тупроқдан қимирлаб жонланди жаҳон.
Ўз-ўзига хайрон бўлди одамзод,
Мўъжиза бўлди у танидаги жон.

Уни яратаркан она табиат,
Тиниқ онг, муҳаббат, тенгсиз гўзаллик,
Кўзу қош, қўл - оёқ айлади ҳиммат,
Ва унга бахш этди буюк бир қудрат.

Борлиқ коинотда султонсан, - деди,
Қудратимга эга инсонсан, - деди.
Қўлингдан келади уни яшнатмоқ,
Ёки остин - устун қилиб йўқотмоқ...

1969.

ИНСОН

Қачонлардир ерда яралди инсон,
Жонланиб тупроқдан, ҳаводан, кундан.
Ҳарқалай бошланар ўша қутлуг он,
Инсон ўз-ўзини кашф этган кундан.

Балки бу кашфиёт миллион йиллар-
Давомида сокин содир бўлгандир.
Аммо шу ўтгучи олис даврлар -
Ичра инсон деган ном туғилгандир.

Инсон туғилгандир ҳадсиз, поёнсиз
Шу сирли дунёнинг рўпарасида.
Уни чўмилтириб олган ўша кез
Куюш уммонларнинг тоғорасида.

Заррин чойшабларга ўраб авайлаб,
Йўрғаклаб олгандир фарзандини у.
Унга ўз меҳрини бахшида айлаб,
Шу заминни тортиғ айлаган мангу !

1972.

УМР

(сонет)

"Ўтган умр қайтиб келса мабодо,
Қандай яшаш керак, билардим жуда".
Баъзилар шу гапни айтар беҳуда,
Ўз умрин бесамар айлагач адо.

Умрлар ўтади, гафлат уйкуда,
Сўнг дилни ёради афсус ва нидо.
Оламга сиймайди нолаю видо,
Кейинги пушаймаон душман туйғу-да!

Умрни ёшлиқдан қадр этмоқ керак,
Ҳаётга жўшиб кир, қайна эй юрак,
Ахир, бу дунёда ҳар он ғанимат!

Ғаниматдир одам, одамга одам
Асло ортга қайтмас ўтиб кетган дам.
Умрингни элу юрт учун яшаб ўт!

1979.

ФИКР

(сонет)

Гоҳо фикр теран, бўлса ҳамки зўр,
Уни ўзгаларга ўтказмоқ қийин.
Ўз фикрингга ишонч бўлганидан кейин,
Эй руҳим, сен бунга бир уриниб кўр!

Фикр туғилади бир чақмоқдайин,
Унинг қувватидан қувват олиб юр.
Ўзингни фикрингда доим собит тур,
Собит бўлур фикр юксалган сайин.

Қалбинг ойинаси бўлсин ҳар фикр,
Жўн гапни фикр деб айлама зикр.
Фикринг фикрларинг бўлсин сарбони.

Хур фикр ҳукмрон бўлсин дунёда,
Фикрлилар умри бўлсин зиёда.
Фикр инсонликнинг нурли мезони.

1979.

АЖАБЛАНМА

Ажабланма! Йўлнинг бошида
Қолдирсалар ногоҳ ўхситиб.
Ё қўйсалар душман қошида
Мақр билан бошинг дол этиб.

Ажабланма! Сен донишманд деб,
Ихлос қўйиб қўл берган одам-
Чиқиб қолса ўз гамини еб,
Юргучи бир бефаҳм, бегам.

Ажабланма! Айлагин бардош,
Қўйнинг аро сақлаган гавҳар-
Чиқиб қолса бир кун оддий тош,
Муз ташласа қалбингга агар.

Ажабланма! Парво қилма ҳеч,
Юксакларга ташлагил нигоҳ.
Огоҳ бўлиб турган эрта-кеч,
Худо ўзи бўлгайдир паноҳ!

1981.

ТААССУРОТ

Инсон тугиларкан, уни дунёда,
Ҳар хил ҳолат, ҳар хил тақдир кутади.
Кимдир ҳоким бўлиб яшар зиёда,
Кимдир қонхўр жаллод бўлиб ўтади.

Ким қачон кўз очар, бу сирли хилқат,
Ким атом асрида, ким тош асрида.
Ким қайда кўз очар, сирлидир фақат,
Ким ғариб қулбада, ким шох қасрида.

Кимгадир мароқли саёҳат - дунё,
Кимгадир бу жаҳон - хатарли сафар.
Кимнингдир бошига қўнади ҳумо,
Кимнингдир бошини баланд дор кутар.

Қузгун човут солган қушда дунёдан,
Айтинг, сўнар экан қандай хотирот?
Бевақт мағлۇб бўлган макру риёдан,
Инсонларда қолур қандай таассурот?

Одамлар, бу дунё қолади сиздан,
Аммо унутмасин номингизни бот.
Сизларда дунёдан, дунёда биздан
Қолсин эслагулик, яхши таассурот!

1980.

ЗИЛЗИЛА

-Ў инсон, сен кўркиб кетдингми,
Юрагинг кетдими орзиқиб?
Зилзила безовта этдими,
Хонангдан отилдинг ховлиқиб.

Нима ҳам қилаолар эдинг сен,
Ожизсан бундай куч қошида.
Қани айт, нимадир дединг сен,
Хаяжон сўзларинг бошида.

Бу - ҳали сен сира кўрмаган,
Бир зумда сезсангда даҳшатин.
Зилзила тубида чакнаган
Жуда ҳам қудратли бир чақин.

Салгина силкитиб қўйса у,
Тўсатдан пойингни ногаҳон
Ортиқча гапни мен қўяй-у
Сеники бўлмасдан қолар жон.

Зилзила даҳшатин олдида
Ҳолингку шунчалик, биласан.
Айт, нечун сен ўзинг гоҳида
Дунёни безовта қиласан?!

1985.

ЛАС ВЕГИСДА БЎЛГАН ҲОДИСА

1

Ҳодиса рўй берди, бир куни машҳур-
Лас Вегас шахрининг аэропортида.
Ногоҳ бомба портлаб, чақнаб кетди нур,
Қўнаётган чоги "Боинг" бортида.

Ҳайрият, ҳавода портламасдан у,
Ерда фалокатнинг олди олинди.
Беш-олти йўловчи шикастланди-ю,
Аммо ҳамма омон сақлаб қолинди.

2

Федерал разведка бюроси тезкор
Қидирув ишларни бошлаб юборди.
Гавжум қиморхона, авжида қимор,
Излар шу бурчакка етаклаб борди.

Жаноблар бу ерда бир доллар учун
Олишар ҳаттоки кўзларин ўйиб.
Анави жентельмен шу ерда ҳар кун
Ўйнар рулеткага катта пул қўйиб.

3.

Кутмаганда...Кўлга тушди беҳосдан,
Касби кори унинг экан бизнесмен.
Ёши ўттиз тўртда. У - Сан Маркосдан,
Исми ва шарифи Альберт Ли Тильмен.

Барча ўйлаб ҳайрон: нечун бу одам,
Шундай ёвузликни кўнглига тўйди?

Қандай, не мақсадда ва нима учун,
Самолёт бортига бомбани қўйди?

4

Нечун у қасд қилди, ўнлаб бегуноҳ,
Безавол йўловчи одам жонига.
Нечун одамларга қазиди у чоҳ,
Ўйлаб ҳам кўрмади бир виждонига.

Ё раб, шу рейс билан учаётганди,
Унинг ўз хотини ва уч фарзанди.
Ли Тильмен тўсатдан бойийман деди,
Уни доллар - шайтон йўлдан ўрганди.

5

Сугурта қилдирган эди ҳаётин
Миллион долларга хотини шўрлик.
Шартномани қўлга олган заҳоти
Тугилди разил эр кўнглида шумлик.

Йирик, қонли луқма ўртарди уни,
Одам қиёфали йиртқич ҳайвонни.
Олмоқчи бўлганди ўлгач хотини,
Давлатдан ундириб бир миллионни.

6

Камерада ёлғиз, қабоғи солиқ,
Альберт ташқарига кўзин тутлади.
Энди уни жирканч қилмишига пойиқ,
Йигирма беш йиллик жазо кутади.

Афсус... Бу дунёда Альберт сингари
Ёвузлар кўп ҳали, кезиб юришар.
Эвини қилишса ўз болаларин
Ўлдириб бўлса ҳам даврон суришар...

1985.

МУРУВВАТ

(САРВАР АЗИМОВГА)

Мендек гўр шоирлар кўп бу эл аро,
Мен қайдамону сиз қайдасиз, устоз.
Менга ҳам меҳрингиз кўрибсиз раво,
Хатто хат ёзибсиз кўрсатиб эъзоз.

Қалам аҳли ичра устозлар ҳам бор,
Бизга меҳрларин дариг тутарлар.
Билмам, улар икки дунёда такрор
Фаҳат ўзларини ўйлаб ўтарлар.

Улар танишади ўзларин ёлғиз,
Ёлғиз ўзларини дерлар истеъдод.
Хатто улар бири бирларин, эсиз,
Кўролмай пайларин қирқишар, ҳайхот!

Сиз эса кўрмасдан ва сўрамасдан,
Гўр бир ҳаваскорни ёдга олибсиз.
Вазир бўлсангиз ҳам ўзоқ туманга
Шеърларимни сўраб хат юборибсиз.

Хатингизни олиб ўқиган дамда
Қўлингиз тафтини сездим елкамда.

1988.

ҲИНД КУЙИ

Сеҳрланади руҳим,
Бирдан жўшиб кетаман.
Бағрим эриб, сел бўлиб,
Тўлиб-тошиб кетаман.
Сени тинглаган кўйи,
О ҳинд куйи, ҳинд куйи!

Юрагимнинг энг теран
Жойи куйга қонади.
Энг эрка ва энг нозик
Ҳисларим уйғонади,
Сени тинглаган кўйи,
О ҳинд куйи, ҳинд куйи!

Қадимий Ҳиендистоннинг
Қалбини тинглагайман.
Жафокаш улуг элнинг
Дардларин англагайман.
Сени тинглаган кўйи,
О ҳинд куйи, ҳинд куйи!

Янграйвергин ҳамиша,
Яшайвер тилакларда.
Эзгулик япроқ ёзсин,
Ҳатто тош юракларда.
Сени тинглаган кўйи,
О ҳинд куйи, ҳинд куйи!

1998.

ТАЪМА

Бу дунёда борки қимирлаган жон,
Тирикчилик учун курашар тинмай.
Улар ичида энг қизиги инсон,
Минг битта кўчага кирар эринмай.

Сабаби тириклик дейди бечора,
Гоҳ ёлгон гапни ҳам айтишдан қайтмас.
Турланиб ҳам турар, дейди начора,
Номусни ўртага қўйганин айтмас.

Лекин у билмайди, тўйса ҳамки ер,
Унинг қорни тўйдим демас ҳеч қачон.
Нафси қургур бало, ҳеч тўймадим дер,
Миннатдор бўлганин билмас ҳеч замон.

Шундай бўлса ҳамки баъзи бир одам,
Нафс сўзига кириб ўтда ёнади.
Билмайдик унинг нафси чинакам
Фақат ўлганидан кейин қонади.

Ўйлаб тирикчилик ташвишимизни,
Керакмиди дейман, қорин, овқат, нафс.
Ахир, бўлмасмиди бизлар яшасак
Фақатгина олиб хаводан нафас.

Балки шунда бўлмас эди нафсга қул,
Бўлмасди қорнига қарам одамзот.
Балки шунда унинг руҳига буткул
Таъмагарлик ҳисси бўлур эди ёт...

1988.

ХУДБИН

Ўғирликнинг устидан чиқиб,
Кўрмаганга солиб кетар у.
Иллатларга дуч келганида
Билмаганга олиб кетар у.

Менга нима, дейди бу одам,
Ўз жонини ўйлайди фақат.
Дунёни сув олиб кетса ҳам
Ўз ғамидан сўзлайди фақат.

Менга нима, дейди қўл силтаб,
Лоқайдгина кўзин ишқалар.
Тагидан ўт кетса ҳам тутаб,
Айтсин дейди буни бошқалар...

1989.

ШЕРАЛИГА

Бунча ширин, бунча ёқимли,
Эй Шерали, сенинг овозинг.
Бунча янгроқ, бунча жарангдор,
Юракларни титратган созинг.

Бундай майин, дилбар овозни,
Айтчи дўстим, қайдан олгансан?
Бундай нозик пардали созни,
Қандай қилиб куйга солгансан.

Балки онанг гуллар бўйидан
Бўйларингни бўйлаб олгандир.
Қумоиларни тинглаб кўйидан,
Овозингни ҳиллаб олгандир?

Гул шохида бўлбўлни кўрдим,
Овозингни тинглаб яйрайди.
Сайрашини кузатиб турдим,
Сендан андоз олиб сайрайди.

Овозингдан минг йиллик сайқал -
Топган кўйлар оҳанги келар.
Шўх созингдан ўзингга ҳайкал,
Олтин созинг жаранги келар.

Юракларга эзгулик солиб,
Кўйларвергин бўлбўли хушхон.
Мангу тўлиб турсин қушиққа
Турон замин - хур Ўзбекистон!

1989.

МАҒЛУБ ҲАЁЛИ

Илжайиб турдингиз голиб мисоли,
Мағлуб ҳолатимни кузатиб зимдан.
Қандай бўлишини мағлуб ҳаёли,
Ҳис этдим мен буни кўриб ўзимда.

Ҳа, мен мағлуб бўлдим, ҳимоя қилиб,
Қулфат ичра қолган элимни, ёлғиз.
Амалда қолмоқни сиз голиблик деб
Қайтмадингиз тубан йўллардан эссиз...

1990.

Бир вақтлар "босмачи" аталган эди,
 Озодлик деб бошин кўтарган хар зот.
 "Халқ душмани" дея отилган эди,
 Халқ учун жонини тикканлар, ҳайхот !
 "Миллатчи" дейилди тухматкорона,
 Халқин номи билан фахрланса ким.
 "Туркчи" деб гап топди риёкорона,
 Туркийларга зимдан номсиз аллаким.
 Энди зўр гиёҳванд бўлдию қолди,
 Умрида нашани кўрмаган одам.
 Қип-қизил арокхўр номини олди,
 Хали арок, нима билмас-бола ҳам.
 Ҳаққин талаб қилган пешонасига,
 "Экстремист" деб ёздилар шу он.
 Ҳатто оламонни қаторасига
 "Безорилар" дея қилишди эълон.
 Бутун бир муслим халқ "ўғри"га чиқди,
 Бутун бир халқ номи бўлди "порахўр".
 Турли бўхтон, игволарга йўлиқди,
 Тамгалар босилди бир-биридан "зўр".
 Мана, келди қарзни узадиган дам,
 Энди биз уларга ёрликни осдик.
 Ўша тамгадорлар ўзига биз ҳам,
 "МУСТАБИДЛАР" дея тамгани босдик!

1990.

ЧЎЛПОН

Ҳақиқатнинг мўмин кўзига бир-бир
Ўткир тигли тухмат мили тортилди.
Улуглик бошга зил - замбил оғир,
Вахшийликнинг мурдор юки ортилди.

1992.

ДАРЁНИНГ ТОШИ

(Онам Фотимахонга)

Ҳар лаҳзада минг бор ювилган,
Поклик рамзи дарёнинг тоши.
Дарёларга тинмай қуюлган
Ирмоқлардир кўзларим ёши.

Териб келиб дарё тошидан,
Қабрингизга тошлар тердирдим.
Тошлар узра кўзим ёшидан,
Эй онажон, ёшлар тердирдим.

Тошлар турсин саловат айтиб,
Онажоним, пок руҳингизга.
Бизлар яна келгунча қайтиб,
Согинганда ҳузурингизга.

1993.

НАМАНГАННИНГ ЧИНОРЛАРИ БОР

(Маҳмуджон Ҳамидовга)

Бўйи баланд осмонга туташ,
Наманганнинг чинорлари бор.
Илдизлари қалбимга туташ,
Наманганнинг чинорлари бор.

Соясида яйрайди диллар,
Шохларида сайрар булбуллар.
Қучоғидан ёғду ёғилар,
Наманганнинг чинорлари бор.

Қулоч етмас, қадди-қоматли,
Вазмин, босиқ, сабр-тоқатли,
Қаторида кўрк салобатли,
Наманганнинг чинорлари бор.

Олтин боши ҳикматга тўла,
Қалби меҳр, ҳимматга тўла,
Номи иззат, ҳурматга тўла,
Наманганнинг чинорлари бор.

Дўстлари кўп барги мисоли,
Шогирдлари чинор ниҳоли,
Яхшиликдир эзгу ҳаёли,
Наманганнинг чинорлари бор.

Ўтаман деб, устоз ўзидан,
Шогирдлари борар изидан,
Садоқати аён сўзидан,
Наманганнинг чинорлари бор.

Уларнинг ҳар бири бир жаҳон.
Ҳусниддин, Каримжон, Авазжон,
Фазлиддин, Валижон, Махмуджон,
Наманганнинг чинорлари бор.

Фарзанд ота кузларин нури,
Кўнглининг гурури, шуури,
Умид, қувонч, қалбининг қўри,
Наманганнинг чинорлари бор.

Бири оқил Толиби замон,
Бири Пўлат шамшири омон,
Бири шамсу Анвар чарогон,
Наманганнинг чинорлари бор.

Худди кўкдан таралган ёғду,
Меҳрибон қиз Саидабону,
Суянса гар бир кун келиб у,
Наманганнинг чинорлари бор.

Бу чинорлар ўсган боғ аро,
Чирой очмиш бир гули Раъно,
Умрларга бахш этган маъно,
Наманганнинг чинорлари бор.

Бу чинорлар бўлмади ҳазон,
Бўронлардан ўтгайдир омон,
Наманганни қилган Наманган,
Наманганнинг чинорлари бор...

1997, март.

ҚОРА ҲИЖОБ

Қора рангдан сесканди дилим,
Ғашлик тушди руҳимга шу зум.
Қора ҳижоб киймагин синглим,
Ғаштлик тушди руҳимга шу зум.

Қора либос азадорга мос,
Либос кийгин ўз элингга хос.
Гўзал бўлур очик ранг либос,
Қора ҳижоб киймагин, синглим!

Юзларингни тўсмагин кундан,
Ҳарир рўмол олгин тугундан.
Ҳижобингни ташла бугундан,
Қора либос киймагин, синглим!

1997.

ФАРДЛАР

1

Дунё - одамзодга сирли бир сафар,
Сафаринг беҳатар бўлсин биродар.

2

Келтирмоқлик учун худога иймон,
Умр - қиёси йўқ улуг бир имкон.

3

Ўзин яратганни таниган замон,
Ўзи - ўзини ҳам танийди инсон.

Жаннатдир бу хаёт, жаннатдир дунё,
Аммо дўзахлар ҳам ерда мухайё.

1998.

РУБОИЙ

Умримни англадим иймону байт деб,
Айтар сўзларимни ўтарман айтиб.
Айтар сўзларимни айтолмасам гар,
Бу дунёни ташлаб кетаман қайтиб.

1998.

ТУЮҚ

Эй гул, билмадим, бу ошиқ кўнгилнинг майлими,
Бўйларингиздан тўйиб, бир ҳидласам майлими?
Қирмизи япроқларидан гулни бир ҳидлаб эдим,
Маст бўлибман, воажаб гул бўйлари майлими?

1998.

ЗИЁРАТ ҚИЛДИНГМИ ОНАНГ ҚАБРИНИ?

Малол келмаса гар сўзим агарда,
Бир савол сўрасам сендан майлими?
Бирор марта жума куни сахарда,
Зиёрат қилдингми онанг қабрини?

Қабр узра кўнса ҳаттоки чумчуг,
Қабр ичра ётган зотлар биларкан.
www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарзандлари келса кўзлари тўлуг,
Улар учун шу кун ҳайит бўларкан.

Кун чиқардан борсанг қабр бошига,
Ўгрилиб қараркан, онанг сен томон.
Кун ботар тарафдан борсанг қошига,
Бошин кўтараркан сенга шу замон.

Малол келмаса гар сўзим агарда,
Бир савол сўрасам сендан майлими?
Бирор марта жума куни сахарда,
Зиёрат қилдингми онанг қабрини?

1998.

БЕДОРЛИК ҲАҚИДА

1

Ҳушёр киши бедордир,
Бедор киши ҳушёрдир.
Бедорликнинг сўнгида,
Улуғ саодат бордир.

2

Бедор киши вақтдан ютар,
Эртасини шодон кутар.
Ҳўқусида босар ишни,
Манзилга тезроқ етар.

3

Бедорликнинг ҳосиятин бил,
Бедор бўлсанг муродинг ҳосил.
Режангдаги ишни доимо,
Имкон борки сал эртароқ қил.

4

Бедор бўлу юргил илгари,
Ишларингдан чиксин самари.
Ғафлат ичра доҳайд юрганлар,
Бижиб етган кўлмак сингари.

5

Одам бўлай десанг уйқучи бўлма,
Беғам ва бепарво юргучи бўлма.
Майли хоргинроқ юр, бедор бўлгину,
Аммо ночор, муҳтож тургучи бўлма.

1998.

ТҮРТЛИКЛАР

1

Ватанга муҳаббат, бу - имоннинг белгиси,
Имони бутун дилга муҳаббат келгуси.
Ватанга бемехрдан узоқ юргил ҳаргиз,
У на ишк, муҳаббат, на ватанни билгуси.

2

Ўзга дардин тинглаб турмоқлик осон,
Ўзга кулфатини кўрмоқлик осон,
Ўзгаларга осон тутмагил сира,
Улар ҳолига тушиб қолмоқлик осон.

3

Бошланади янги, улуг замонлар
Турмуш тарзимизни ўзгартиришдан.
Истиқлол бошланар эй дўст, ёронлар,
Бир-бировимизга рост гапиришдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажаб дунё экан, икки ёт одам,
 Дўстлашиб инидек бўлиб кетаркан.
 Аммо бир қориндан тушган бўлса ҳам,
 Гоҳида ёт каби яшаб ўтаркан.

1998:

НУРЧИЛАРГА

Бугун нурчилар кун, юртимизда тантана,
 Нурчилар атрофида бугун барча парвона,
 Нурчиларнинг авлоди авлод эрур мардона,
 Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
 Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Журъат, жасоратингиз, меҳнатингизга балли,
 Ғайрат, шижоатингиз, ҳимматингизга балли,
 Қозонган покизо шон, ҳурматингизга балли,
 Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
 Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Бир кун электр ўчса олам зимистон бўлар,
 Электр нури билан тунлар чорогон бўлар,
 Уйлар ярақлаб турса кўнгиллар шодон бўлар,
 Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
 Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Электр юртимизга мисоли қон билан жон,
 Электр билан ҳаёт, турмушимиз фаровон,
 Электр қувватидан йўлларимиз ҳам равон,
 Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
 Қалбларингиз қувончга тўлсин, азиз нурчилар!

Сиз халқимиз гурури, ифтихори эрурсиз,
Элу юртнинг ишончи, қаторда норидирсиз,
Мустақиллик таянчи, мададкори эрурсиз,
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз нурчилар,
Қалбларингиз қувончга тўлсин. азиз нурчилар!

1998,декабрь.

ШОИР

1

Шоирлар сўзисиз сўз равон бўлмас,
Шоирларсиз эртанг чароғон бўлмас.
Шоирлар кўз ёши тўкилган юртда
Ҳеч қачон элу юрт фаровон бўлмас.

2

Ҳар кимга тегсанг ҳам шоирга тегма,
Илоҳий сўз аро зоҳирга тегма.
Шоирлар қисмати сирли яралмиш,
Тилсимга дуч келсанг, бу сирга тегма.

3

Шоир ўзи дард чекиб халқ дардин кўтаради,
Шоирга қўл кўтарган халққа қўл кўтаради.
Шоирга зугум қилган одам кўкармас асло,
Шоири шодмон бўлган юрт боғи кўкаради.

4

Шоир ниманики тилга олади,
Буни худо ўзи дилга солади.

Эй гофил, шоирлар кўнглидан қолма,
Шоир қаргаганлар кўздан қолади.

5

Одамнинг субутли, марди ёқимли,
Шоир тортиб турган дарди ёқимли.
Ким бўлсанг ҳам элга фидойи жон бўл,
Шоирнинг бу сўзи, фарди ёқимли.

1993.

ҲАЁ ДЕДИМ

Гавҳар надур, ҳаё дедим,
Жавҳар надур, ибо дедим.
Надур ҳаё, ибо ўзи,
Саҳардаги сабо дедим.

Надур ёқут, надур феруз,
Дедим ноёб бир огиз сўз.
Айтингчи дер ул қаро кўз,
Муҳаббатда вафо дедим.

Айтинг надур, ақиқ-ла дур,
Нечун минг хил жилваланур?
Дур бу - ифбат, юзларин хур-
Ювгучи нур, зиё дедим.

Надурки бу баҳоси йўк,
Дур, жавҳардин қиёси йўк.
Таърифда интиҳоси йўк,
Номус - бу бебаҳо дедим.

Хаё дедим, ибo дедим,
Нoмус илa вaфo дедим,
Ш\ хислaтли сaнaмлaргa,
Абдулла, жoн фидo дедим.

ШОВОТЛИ ҚИЗ

Шовотли киз, шовотли киз,
Огзи тўла новвотли киз.
Исми жисмига монанду
Тили асалдек тотли киз.

Шовотли киз мевaнг ширин,
"Ҳоввa" дегaн шевaнг ширин.
Сўзлагaндa сўзларингдa
Минг йиллик нoзлар яширин.

Бир кўрдиму бўлдим aдo,
Сенсиз қоронгудур дунё.
"Вуей" дегaн эй паризoд,
Сен учун минг жоним фидo.

Шовотли киз, шовотли киз,
Огзи тўла новвотли киз...

1995, Хорaзм

АЖАБ ДУНЁ ЭКАН

Қирқ кун хаммомда чўмилтирсанг ҳам,
Тоза бўлмайдиган ювуксиз бир зот-
Ажаб дунё экан. маънавиятдан,
Покликдан ваъз айтиб турарди, хайҳот!

Ажаб дунё экан, илоннинг ёгин-
Ялаган мунофиқ, шайтонилаён,
Фаришта тусига кириб у тагин,
Иймондан ваъз айтиб турарди, хайҳот!

Ажаб дунё экан, тулкидек айёр,
Ёлгонни ямламай ютмоққа тайёр,
Ёлгончи, бебурд зот ҳеч қилмасдан ор,
Ростгўйликдан ваъз айтарди, хайҳот!

Ажаб дунё экан, ажаб бу олам,
Худодан ҳеч қачон қўрқмаган одам,
Аллоҳга муножот қилиб ушбу дам,
Қуръондан ваъз айтиб турарди, хайҳот!

1998.

ТАЖОВУЗ

Тажовуз қилдилар юртбошимизга,
Қабиҳ ният, разил режалар билан.
Захар солмоқ учун сўв, ошимизга,
Илондек сирғалиб чиқдилар индан.

Таҳликага солиб Ўзбекистонни,
Элнинг юрагига солдилар гулу.
Ўлдириб бегуноҳ қанча инсонни,
Пойтахтга солдилар даҳшат ва кўрқув.

Худодан беҳабар ёвуз, маълунлар,
Тажовуз қилдилар Президентга.
Фитна уюштириб сотқин, хоинлар,
Бомбалар портлатди шаҳри Тошкентда.

Тажовуз қилдилар пинҳона, зимдан,
Мустақиллигимиз, эрка тажовуз.
Тажовуз қилдилар ногаҳон, бирдан,
Озод, эркин-эмин юртга тажовуз.

Орқага қайтариб вақтни, замонни,
Давлат тўнтаришин қилиб муддао
Истиқлол йўлига чиққан карвонни
Сарбондан қилмоқчи бўлдилар жудо.

Аммо юртбошимнинг боши - олтин бош,
Уни худойимнинг сақлади ўзи.
Фитна барбод бўлди, душман бўлди фош,
Энди бу дунёда қародир юзи.

Энди эй юртдошлар, сиз ҳам фарқ этинг -
Дўст билан душманни, уйгонинг тезроқ.
Буюк юртбошимиз қадрига етинг,
Бирлашинг яна ҳам бўлиб жипсроқ.

1999, 19 февраль.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УМРИНГНИ ШИДДАТКОР ЭТ !

Дамбаланган сүвмисан,
Оқмайсану тўхтайсан?
Ёки нам ўтинмисан,
Ёнмайсану тутайсан?

Хаётдир бу, жўшиб юр,
Умрингни шиддаткор эт.
Ё шарқираб оқиб тур,
Ё гурқираб ёниб кет!

БИР КАМ ДУНЁ

Унда ҳамма нарсa: амал, дунё бор,
Истагани доим муҳайё.
Ўнгу сўли тўла дўсту ёр,
Қилишади айтганин бажо.

Қайга қўлин чўзса етади,
Қайга борса йўллари очик.
Хар кимга ҳам сўзи ўтади,
Қадамига мол-дунё сочик.

У йўқликни билмай яшар ҳеч,
Меъдаси тўқ, усти боши бут.
Ташвиши йўқ юрар эрта-кеч,
Катта унда пул ҳам кўру кут.

Аммо дунё ҳамиша бир кам,
У ҳам асли муҳтож бир одам.
Унда ҳамма нарса бўлса ҳам,
Фақатгина битта поклик кам...

ВАТАН

1

Ватан каби мушфиқ бир она йўқдир,
Ватандек муқаддас ғамхона йўқдир.
Ҳатто барча тиллар, сўзлар ичида
Ватан сўзи каби дурдона йўқдир.

2

Ватан бу бир дилбар ширин ғазалдир,
Уни ёд этмоқлик фарзи азалдир.
Ватанни севмоқлик тугул ҳаттоки,
Уни ўйламоқлик ўзи ғўзалдир.

3

Умримизга ҳамхона ватан,
Тўйхонаю майхона ватан.
Дардларингни олай танамга,
Фарзандингман мардона ватан.

4

Энг буюк бахт Ватанни озод кўрмоқ,
Элни хуррам, фароғатли, шод кўрмоқ.
МУСТАҚИЛЛИК УЧУН БАҲШ ЭТ УМРИНГНИ,
Мақсад бўлса Ватанни обод кўрмоқ.

ШЕЪРИМ

Кунлар шеър билан ботди,
Тонглар шеър билан отди,
Шеърим мени уйготди,
Мен сени уйготурман.

Фикрим тиниқ оқиндир,
Шеърим мисли чақиндир,
У қалбингга яқиндир,
Мен ҳам сенга яқинман.

Жуда узоқ ухладинг,
Дунё кутди, "ух"лади,
Вақт отини чухлади,
Зерикиб уфладим ман.

Ҳаёлларим елгандир,
Тарих унга елкандир,
Уйгон, вақти келгандир.
Уйготгани келдим ман...

1990.

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТИМ

Қасида.....	4
Юртбошим.....	8
Ўзбек тили. Мувашшах.....	9

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ТАЛАБАЛАРИ ШЕЪРЛАРИ

1.Тақдимот.....	11
2.Ассалом, лицей!.....	11
3.Президент Ислон Каримовга.....	12
Эрка вилоят.....	13
Дарвоза.....	14

ИСТИҚЛОЛ ОНИНГ КЕЛДИ

Қаддингни кўтар халқим.....	16
Бедорлигим.....	17
Келибсиз.....	18
Дилором айлаб.....	19
Манфаат бўлса.....	19
Эл дардини ҳис қилмаса.....	21
Ҳаёл.....	22
Ойдин кеча.....	23
Кўрармиз.....	23
Нафис, Нафис.....	24
Инсон гўзал.....	25
Эй дўст!.....	26
Қарз этмиш.....	27
Қийин.....	28
Ажрама.....	29
Синглим.....	30
Азал.....	31
Дилдорроқ.....	32

ТУРКИСТОН ҚЎШИҒИ

Ўйна, қувон эй дил.....	34
Туркистон.....	34
Туркистонни туғилмаган ўғиллари.....	35
Қозоғим.....	36
Қирғиз қизига.(ҳазил).....	38
Соғуний.....	39
Дунганлар фожиаси.....	42

ЎЗГАН ДАФТАРИ

1.Қора юзликлар.....	48
2.Разолат.....	49
3.Илон удуми.....	50
4.Алпомишлар қайдасиз?.....	51
5.Бизлар бир дарахтнинг илдизларимиз.....	52

ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ

Муҳаббат.....	54
Қайларга кетдинг.....	54
Севги армони.....	55
Мактуб.....	56
Огаҳий.....	57
Ҳавас (Усмон Носирга).....	58
Юлдуз учди.....	59
Бир эзгулик сездим.....	59
Энг гўзал гул.....	60
Ҳақиқат.....	62
Одам ва олам.....	63
Инсон	64
Умр.(сонет).....	64
Фикр.(сонет).....	65
Ажабланма.....	66
Таассурот.....	67
Зилзила.....	68
Лас Вегасда бўлган ҳодиса.....	69
Мурувват (Сарвар Азимовга).....	71

Абдулла ЖАЛИЛ

ҲАЁ ГАВҲАРИ

(Шеърлар)

Муҳаррир:	Э.Нурматов
Мусаввир:	П.Жалилов
Техмуҳаррир:	Ю.Самадов
Бадий муҳаррир:	Н.Жабборов
Мусахҳиҳ:	Қ.Тўрабоева

1999 йил 10.03.да теришга берилди. 1999 йил.8.09.да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84,1/32. Ҳажми 3 босма табоқ. Газета қоғозига офсет усулида босилди. Адади 10000 нусха. 8354 - буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Наманган” нашриёти (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3 – қават) компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ибрат номли Наманган вилоят босмахонаси (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36)да чоп этилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi